



## ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТДА МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯГА ЭГА БЎЛГАН ЖИНОЯТ НОРМАЛАРИНИ ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Холиков Фарход Уктамович

Тошкент давлат юридик университети “Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши куришиш” кафедраси ўқитувчиси. [fxolikov@internet.ru](mailto:fxolikov@internet.ru)  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7794662>

### ARTICLE INFO

Received: 23<sup>th</sup> March 2023  
Accepted: 30<sup>th</sup> March 2023  
Online: 31<sup>th</sup> March 2023

### KEY WORDS

Декриминализация, нисбий декриминализация, мутлақ декриминализация, маъмурий преюдиция, рецидив, жиноий юрисдикция, жиноят қонуни либераллаштириш.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада муаллиф жиноят-ҳуқуқий сиёсатда маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноят нормаларини декриминализация қилишга оид айрим масалаларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритган. Муаллифнинг қайд этишича маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқариш инсонпарварлик ва одиллик принципларига тўла мос келади. Чунки, маъмурий ҳуқуқбузарликни бир йил ичида такроран содир этиш жиноятнинг сифат кўрсаткичини оширмайди, натижада унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам ошмайди ва инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига мувофиқ, шахс содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилгандан сўнг жавобгарликнинг оқибатлари ҳам тугаши керак. Шунингдек, айрим маъмурий преюдицияли жиноят таркибларини Жиноят кодексидан декриминализация қилиш мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратилиб, бунда қилмишларни фақатгина ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор бериб, айрим нормаларни формалдан моддий таркибга ўтказиш ва айримларини эса сифат кўрсаткичларига мувофиқ тақсимлаш ўринли бўлиши қайд этилган. Бундан ташқари айрим маъмурий преюдицияли жиноий қилмишларни жиноий юрисдикциядан чиқариш таклифи илгари сурилган.

Мустақиллик йилларида республикамизда жиноят содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, жиноят қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда Жиноят кодексига қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ҳамда ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш бўйича қатор



чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналиш суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, жиноят қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. шу жиҳатдан ҳам “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Концепцияда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг алоҳида таркибини босқичма-босқич жинойий юрисдикциядан чиқариш сиёсатини давом эттириш назарда тутилган [1].

Бундан ташқари, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам жиноят қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жинойий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш изчил давом эттирилиши белгиланди [2].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида амалга оширилган ишлар ичида қатор қилмишларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки мазкур либераллаштириш натижасида жиноят қонунидаги айрим моддаларнинг биринчи қисмлари (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар) МЖТКга ўтказилиб, ЖКда ушбу қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилсагина жинойий жавобгарлик келиб чиқадиган бўлди. Бизнинг назаримизда мазкур ислохотлар жиноят қонунини либераллаштириб, унинг айрим нормаларини қисман декриминализация қилинишига олиб келди.

Негаки, қилмишни криминализация қилиш жамиятда пишиб етилган ижтимоий зарурат билан боғлиқ ҳамда у жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Н.Лопашенко криминализация, декриминализация, пенализация, депенализация ва жинойий жавобгарликни дифференциация ва индивидуализация қилишни жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш усуллари сифатида тушунтиради [3].

Бошқа бир олим декриминализация даврийлик хусусиятига эга эканлигини, шунга кўра декриминализациянинг қонун чиқарувчи, ҳуқуқни қўлловчи ҳамда баҳоловчи турларга ажратилишини таъкидлайди [4].

Декриминализация кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўзида мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий жараённи акс эттиради. Одатда, жинойий қилмишларни декриминализация қилишнинг икки асосий тури амал қилади. Илмий муомалада декриминализациянинг ушбу турлари нисбий декриминализация ва мутлақ декриминализация деб юритилади.

Шунга кўра, нисбий декриминализация у ёки бу турдаги қилмишни жиноят сифатида бутунлай чиқариб ташлашнинг зарурати етилмаган ҳолларда қуйидаги шаклларда амалга оширилади:



- қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун қўшимча белгининг киритилиши. Мисол учун, қилмишни жиноят деб топиш учун айбнинг муайян шакли (тўғри қасд) мавжудлиги, ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши, зарар етказилиши билан боғланиши;
- маъмурий преюдицияни белгилаш, яъни қилмишни биринчи марта содир этганлик учун аввал маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши;
- қилмишни жиноят деб топишни янада оғирроқ оқибат билан боғлаш;
- жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ бўлган жиноятлар тоифасига ўтказиш.

Мутлақ декриминализацияда эса муайян ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят сифатида бутунлай бекор қилиб, Жиноят кодексига ўша қилмишни бутунлай чиқариб ташланиши назарда тутилади. Бундай декриминализация қилишда жиноят қонунда жавобгарлик белгиланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодаловчи муайян турдаги белгилар ижтимоий зарурат туфайли мутлақо бекор қилинади.

Мисол тариқасида 2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турларини декриминализация қилиш назарда тутилган қонун ҳужжатини келтириш мумкин [5].

Мутлақ декриминализация ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

- ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган, лекин ҳуқуқбузарлик белгилари бутунлай сақланиб қолган қилмишларнинг жиноийлигини бекор қилиб, уларни маъмурий, интизомий, моддий, молиявий ёки фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган қонунларга ўтказиш;
- ижтимоий хавфлилик хусусияти билан бир қаторда ҳуқуқбузарлик белгиларини ҳам йўқотган қилмишларни узил-кесил декриминализация қилиш. Мутлақ декриминализациянинг мазкур турида муайян турдаги ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан жиноий жавобгарлик бекор қилинади ҳамда улар ёки маъмурий жавобгарлик доирасига ўтказилади ёхуд унинг ҳуқуқбузарлик табиати кучини йўқотади.

Бундан ташқари жиноий қилмиш ижтимоий хавфлилиги камайганлиги муносабати билан бирданига юридик жавобгарликка тортишни истисно қилмайди балки, қисман декриминализация қилиниши ҳам мумкин. Яъни, мазкур қилмиш учун жиноий жавобгарлик бекор қилинсада, унинг учун маъмурий жавобгарлик киритилади ёки жиноят қонуни нормаси диспозициясидаги у ёки бу қилмиш жиноий юрисдикциядан чиқарилади.

Мамлакатимиз жиноят қонунчилигида маъмурий преюдиция институти Собиқ Иттифоқ давридан маълум. 1959 йилдаги ЖКнинг 32 та жиноят таркибида маъмурий преюдиция назарда тутилган. 1994 йилдаги ЖКда эса унинг қабул қилинганда 18 та жиноят таркиби учун белгиланган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 66 тани ташкил этган [6].

Назарияда рецидив тушунчаси шахснинг ижтимоий хавфлилигини белгилаш, содир этилган қилмиш учун жазо тайинлаш ёки жазодан озод қилишда инобатга олинган ўзига хос “мақом” бўлиб, у моҳиятан қилмишни такроран содир этишни



англатади. Яъники, маъмурий преюдиция ўз табиатига кўра маъмурий рецидивни англатади.

Дарҳақиқат, “рецидив” сўзи лотинча (*recidivus*)дан олинган бўлиб, “қайталовчи”, “янгиланувчи” деган маънони билдиради [7]. У бир қанча жиноят содир этишнинг хавфлироқ шакли ҳисобланади. Жиноят қонуни рецидив жиноятлар сифатида шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этишини тан олади (ЖК 34-моддаси биринчи қисми.). Ўша ҳолат, яъни шахс судлангандан кейин ҳам янгидан жиноят содир этса, бу унинг юқори даражада ижтимоий хавфлилигидан дарак беради. Қонунда бу ҳисобга олинади ва Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари рецидивнинг алоҳида турлари жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилади [8]. Такроран жиноят содир этиш маҳкумнинг шахсини тавсифлаш учун ҳам муҳим, шунингдек тарбиявий ишларини ташкил этишда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида рецидив жиноят тушунчасининг берилганлиги ва бу туркумдаги жиноятларни аниқ таснифланганлиги жиноят ҳуқуқида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маъмурий преюдицияда эса қонун чиқарувчи дастлаб маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қилишни содир этиб, бу қилмиши учун маъмурий жазо тайинланган шахс мазкур қилмишни бир йил ичида такроран содир этилишини ижтимоий хавфли деб ҳисоблаб, криминализация қилади. бошқача айтганда, илгариги маъмурий жавобгарликка сабаб бўлган қилмишни бир йил ичида такроран содир этиш шахсни жиной жавобгарлик атортишга сабаб бўлади.

Шу ўринда маъмурий жазо тушунчасига тўхталиб ўтиш лозим. Х.Бахрамовнинг фикрича, маъмурий жазо – ҳуқуқбузарлик содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан ваколатли орган мансабдор шахси томонидан қўлланиладиган ва ҳуқуқбузарни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни вақтинча чеклашдан иборат мажбурлов чораси ҳисобланади [9]. Маъмурий жазо – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш натижаларига нисбатан давлат ва унинг ваколатли органлари томонидан билдириладиган муносабат ифодаси ҳисобланади [10].

Қонун чиқарувчининг белгилашича, маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкинлигини назарда тутди:

- жарима;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;



– муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;  
– маъмурий қамоққа олиш.  
– чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш [11].

Шу ўринда маъмурий преюдиция масаласида хорижий мамлакатлар тажрибаси қандай ва уларнинг қонунчилиги мазкур институтга қандай баҳо берилган? деган савол туғилади. Маъмурий преюдиция айрим хорижий мамлакатлар жинойт қонунчилигида мавжуд ва булар асосан ҳозирги МДҲ давлатларидадир [12]. Шунингдек, Европа мамлакатлари ичида Испания, Эстония, Латвия, Литва, Голландия, Италия ва Сан-Марино жинойт кодексларида маъмурий преюдицияли жинойт таркиблари белгиланган.

МДҲ мамлакатларидан Қозоғистон ва Беларусь Республикаси ЖКларига маъмурий преюдицияга бағишланган алоҳида модда киритилган. Жумладан, Қозоғистон Республикаси ЖК 10<sup>1</sup>-моддаси Маъмурий преюдиция, деб номланиб “Махсус қисмининг алоҳида нормаларида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинойтлар учун жавобгарлик худди шундай маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил ичида содир этилса жиноий жавобгарлик келиб чиқади”, дейилган.

Беларусь Республикаси ЖК 32-моддаси Маъмурий ёки интизомий преюдиция деб номланиб, юқоридаги қоидага ўхшаш норма белгиланган.

Хитойда солиқларни тўлашдан бўйин товлаш дейилганида, солиқ тўловчиларнинг бухгалтерия китобларини, ҳисобот ҳужжатларини сохталаштириш, яшириш, йўқ қилиш, солиқ органларини хабардор этгандан сўнг чиқимларни кўпайтириш ёки тушумларни камайтириш, солиқ органига ҳисобот топширишни рад қилиш ёки сохта ҳисобот топшириш, солиқ тўловларини тўламаслик ёхуд қисман тўлаш каби ҳатти-ҳаракатлари тушунилади. Солиқ тўловчи, фақат аввалроқ солиқ органлари томонидан икки марта маъмурий жазога тортилганидан сўнг, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Солиқ жинойтлари учун жазо етти йилгача озодликдан маҳрум қилиб, яширган солиқнинг беш баравари миқдорида жаримада ифодаланади [13].

Бизнинг назаримизда Жинойт кодекси Умумий қисмининг алоҳида нормасида юқоридаги қонуннинг ўрнатилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки мазкур тушунчалар маъмурий преюдиция қайси жинойтлар таснифига тааллуқлигини кўрсатмоқда холос.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 15-моддасига мувофиқ эса, жинойтлар таснифи унинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони, унинг такроран ёки рецидив содир этилишига қараб эмас, балки муайян жинойт учун жавобгарлик белгиланган норма санкциясида озодликдан маҳрум қилишнинг максимал муддатидан келиб чиқади. Жиноий жазолар тизимини (енгилдан оғирига қараб) ҳисобга оладиган бўлсак, агар қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган экан, мазкур жинойт ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинойтлар тоифасига киритилади.

Маъмурий преюдицияни жинойт қонунчилигидан чиқариш инсонпарварлик ва одиллик принципларига тўла мос келади. Чунки, маъмурий ҳуқуқбузарликни бир йил



ичида такроран содир этиш жиноятнинг сифат кўрсаткичини оширмайди, натижада унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам ошмайди ва инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига мувофиқ, шахс содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилгандан сўнг жавобгарликнинг оқибатлари ҳам тугаши керак.

Назаримизда айрим маъмурий преюдицияли жиноят таркибларини Жиноят кодексидан декриминализация қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда қилмишларни фақатгина ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор бериб, айрим нормаларни формалдан моддий таркибга ўтказиш ва айримларини эса сифат кўрсаткичларига мувофиқ тақсимлаш ўринли бўлади. Масалан суд амалиёти материаллари таҳлили солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашни маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг анча миқдорда такрор содир этиш жуда кам, 2-3% ни ташкил этишини кўрсатади.

Албатта, бу бежизга эмас. Назаримизда бунинг сабабини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: айбдор шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашни анча миқдорда биринчи марта содир этганлиги учун МЖТК 174-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Мазкур қилмишни маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг бир йил ичида такрор содир этилишини аниқлаш мураккаб. Чунки солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар қилмиш содир этилгандан кейин бир, уч ёки беш йилдан сўнг аниқланади. Шунингдек, энг асосий сабаблардан бири бу солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни нафақат маъмурий жавобгарликка балки молиявий жавобгарликка ҳам тортилиши ҳисобланади. Айбдорларни молиявий жавобгарликка тортилиши эса, уларнинг иқтисодий аҳволини янада оғирлаштиради. Шу билан бирга айтиш жоизки, миллий қонунчилигимизда айбдор шахслардан содир этилган қилмиш натижасида тўланмаган зарар миқдорини фуқаровий тартибда ундириш ҳам назарда тутилган. Мазкур ҳолатларнинг барчаси солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш маъмурий жазо қўлланилгандан кейин анча миқдорда содир этилишини жуда камлиги ҳақида далолат беради.

Фикримизча Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси биринчи қисми диспозицияси – маъмурий преюдицияни тўлалигича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасига ўтказишни мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга маъмурий преюдиция масаласини ҳал этишда, маъмурий ва жинойий жазоларни мутаносиблигини қайта кўриб чиқиш керак.

Шундай экан, маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқариб ташлаш инсонпарварлик ва одиллик принципларига тўла мос келади. Чунки, маъмурий ҳуқуқбузарликни бир йил ичида такроран содир этиш жиноятнинг сифат кўрсаткичини оширмайди, натижада унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам ошмайди ва инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига мувофиқ, шахс содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилгандан сўнг жавобгарликнинг оқибатлари ҳам тугаши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси биринчи қисми диспозицияси – маъмурий преюдицияни тўлалигича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасига ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги Жиноят кодексидан айрим жиноий қилмишларни декриминализация қилиш жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда либераллаштиришга хизмат қилади.

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш, айрим жиноий қилмишларни жиноят қонунчилиги доирасидан маъмурий жавобгарлик доирасига ўтказилиши – жиноий қилмишларни декриминализация қилиш жиноят қонунчилигини давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсати ҳамда мавжуд ижтимоий воқеликка тўла мос келади. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча ЖКнинг айрим моддаларида назарда тутилган қилмишлар, жумладан 139-модданинг 1-қисми (туҳмат), 140-модданинг 1-қисми (ҳақорат қилиш), 277-модданинг 1-қисми (безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса)да назарда тутилган жиноятларни жиноий жавобгарлик доирасидан маъмурий жавобгарлик доирасига ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

## REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/3735818>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Уголовная политика/Н.А.Лопашенко. – М.: Волтерс Клувер, 2009. С.23.
4. Абдурасулова Қ.Р., Салаев Н.С. Жиноят ҳуқуқида декриминализация қилиш масалалари (тушунчаси, ижтимоий зарурати ҳамда ЎЗР ЖК Махсус қисмидаги айрим қилмишларни декриминализация қилиш). // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ахборотномаси. – Тошкент, 2014. №1.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5953-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4751561>
6. Абдурасулова Қ.Р., Салаев Н.С., Каракетова Д.Ю. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари. Монография Масъул муҳаррир: ю.ф.д, проф Р.А.Зуфаров.– Тошкент: ТДЮУ, 2014. – 152 бет.
7. Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. - Т. Янги аср авлоди. 2001.- Б.9.
8. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 261.
9. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E. Qosimovning umumiy tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – b-236.



10. Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasining Kodeksiga kiritilgan qo'shimcha va o'zgarishlar mavzusi bo'yicha ma'ruza matni. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi yuristlar malakasini oshirish markazi. Toshkent – 2013. –b-7.
11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.12.2022 й., 03/22/810/1095-сон. <https://lex.uz/docs/97664>
12. [www.zakon.kz/203279-administrativnaya-prejudiciya-i.html](http://www.zakon.kz/203279-administrativnaya-prejudiciya-i.html).
13. Шепенко Р.А. Ответственность за налоговые преступления в КНР // Ваш налоговый адвокат. М., 2000. Б.128-129.
14. Холиков Ф. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯ: ТУШУНЧА, МАЗМУН ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 91-100.